

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 7-OKTYABR ■ PAYSANBA ■ 120 (27.295) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.


ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИ ОШМОҚДА

Кувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамияти шиша идишлар ва ойна маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айна пайтда бу ерда 10 хилдан зиёд ойна ҳамда 40 хил турдаги ва ҳажмдаги шиша идишлар тайёрланмоқда.

Корхона йилига 25 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу ерда уч мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Улар бир маҳал бепул иссиқ овқат ва ишга келиб-кетишлари учун махсус автобус билан ташминланган. Барча шaroитларга эга бўлган даволаш ва соғломлаштириш маркази ишлаб турибди. 40 дан ортиқ тиббиёт ходимлари ишчилар саломатлиги учун ўз хизматларини аямаётилар.


Айна пайтда корхона экспорт салоҳиятини оширмоқда. Йилига 1,5 миллион АҚШ доллари миқдордаги маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



Суратларда: «Кварц» акциядорлик жамияти ойна ва шиша идишлар ишлаб чиқариш корхонасининг маъмурий биноси кўриниши; катта ҳажми ва қалинлиқдаги ойналарни кесиш оператори Муҳиддин Турсунматов; операторлар Жўра Абдуллаев ва Дилшод Бўстонов.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар



ЎзХДП Сайловолди Платформасига Таклифлар

Сайловолди кампаниясининг муҳим таркибий қисми бўлмиш сиёсий партияларнинг сайловчиларга қаратилган дастурлари ёки платформалари устида жадал иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида бу борадаги ишлар аҳволи муҳокама қили-

ниб, уларни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП аъзолари бу масала билан қизиқиб, партиянинг бўлажак сайловолди ҳужжати лойиҳасига ўз таклифларини бермоқдалар. Биз уларнинг айримлари билан газетхонларни таништиришни лозим топдик.

ИХЧАМ, АММО МАЗМУНЛИ БЎЛСИН

Бизнинг партиямиз олдинги сайловларда ҳам иштираётган, сайловчиларга ўзининг сайловолди дастурларини тақдим этган. Улар ҳар томонлама пухта ишланган бўлса-да, назаримда айрим нуқсонлардан холи эмас эди.

Улардан бири — уларнинг катталиги. Тарғибот-ташвиқот ҳарафидида фойдаланадиган ҳужжат қанча қисқа бўлса, уни ўқиш, ўзлаштириш, эслаш шунча енгиллашади. Бу сайловчиларга ҳам, ташвиқотчиларга ҳам яқин.

Шунинг учун, менинг таклифим: партиямизнинг сайловолди асосий ҳужжати ихчам, одамларнинг диққатини тортадиган, сиёсий рақибларимиз билан курашда таъсирчан восита бўлсин.

Ва яна бир истак: мазкур ҳужжат мазмуни тиниқ фикрлар, аниқ таклифлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир, чунки одамлар куруқ гаплар, даб-дабали ваъдалардан чарчаганлар. Партия мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг реал йўли ва воситаларини таклиф этса сайловчилар уни қўллаб-қувватлайдилар.

Масалан, ҳукумат томонидан кўрилатган чораларга қарамасдан ишсизлик муаммоси борлигини ҳеч ким инкор этмас керак. Партия ўз сайловолди дастурида ана шу муаммони ҳал этишнинг муқобил йўлини таклиф этсин.

С.ШЕРАЛИЕВ,
ЎзХДП аъзоси,
Тошкент шаҳри

Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди Дастурига Таклифлар

ФУҚАРОЛАРГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР — САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИНГ АСОСИ БЎЛМОҒИ ДАРКОР

Мен партиямизнинг сайловолди дастурини декларатив, чакриқсимон шорлардан халос қилишни ва унинг жамиятимизни, ҳар бир фуқарони безовта қилаётган муаммолар ечимига яқинлаштириш тарафдориман. Бунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламент типидagi сиёсий партия эканлигини ва у айнан, парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар қабул қиладиган қонун ва бошқа ҳужжатлар орқали ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга интилар экан, сайловолди дастурида қўзда тутилатган тадбирлар аниқ ва ихчам бўлмоғи керак деб ҳисоблайман. Бу борада бир қатор таклифлар киритишни хоиз деб ўйлайман.

Авалламбор, мамлакатимиз парламенти икки палатали, яъни қўйи — Қонунчилик пала-

таси ҳамда юқори — Сенатдан иборат бўлиб, айнан қўйи палата малакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббуслар гуруҳлари томонидан номзодлари кўрсатилиб сайланган депутатлардан таркиб топар экан, сайловолди дастурда аксини топган барча масалалар Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси ваколатлари доирасида бўлмоғи керак. Демакки, сайловолди дастурдаги ҳар бир муҳим муаммо ўзининг ечимини, ўз аксини, аввалламбор, янги парламент томонидан қабул қилинадиган қонун ва ҳужжатларда топмоғи керак. Айниқса, ислохотларни изчил давом эттириш асосида халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишни таклиф этиш долзарб аҳамиятга эга.

Аниқ таклифларга ўтадиган бўлсақ, хусусан, яқин-узқ кўш-лоқларда истикомат қилувчи фуқароларнинг яшаш шароитларини шаҳар аҳолисининг яшаш шароитига яқинлаштириш керак. Бунинг учун биринчи навбатда қишлоқ инфратузилмасини ривожланиши тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланса халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қўшган катта ҳисса бўлади.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан табиати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган ва амалиётда қўлланиб келинмоқда. Шунинг билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Экологик дастурида қўзда тутилган баъзи масалалар ечими четда қолиб келмоқда. Шунини инобатга олган

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ САФАРИ

Президент Ислам Каримов раҳбарлигида юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бунинг қишлоқ ҳўжалигида юз бераётган туб ўзгаришлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зотан, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан ҳисобланган аграр соҳага эътибор янада кучайди. Қишлоқ ҳўжалигининг даярли барча соҳаларида йилдан-йилга юқори натижаларга эришилаётгани ҳам ана шу эътиборнинг самарасидир.

Ўртбошимизнинг жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, қишлоқ аҳлининг турмуши билан бевосита танишиш учун вилоятларга ташриф буюриши аънаанага айланган. Ана шу аънаанага кўра Президент Ислам Каримов 6 октябр куни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарини Қарши шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактаби билан танишишдан бошлади. Зеро, сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бинобарин, аскарларнинг мард ва жасур жангчи бўлиб етишишида ушбу мактабларнинг аҳамияти каттадир.

Шу боис Ислам Каримов аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида сержантлар тайёрлаш ишини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шарт-шароитини янада яхшилаш борасида мутассадди раҳбарларга зарур топшириқлар берди.

Президент Ислам Каримов Қашқадарё вилоятидаги «Азизбек Кўзиев» фермер ҳўжалиги даласида бўлган учрашувда деҳқон меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш масалаларига тўхтади.

Ўртбошимиз шартнома мажбуриятини ошириш билан адо этиб, айна пайтда ҳосилдорликни қирқ беш центнерга етказишни кўзлаётган ёш фермер Ойбек Қўзиев меҳнатига юқори баҳо берди.

Шу ўринда Президентимиз фермерлик ҳаракатига алоҳида тўхтади.

— Фермерлик осон иш эмас, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ҳавас қилган ҳар қандай одам ҳам фермер бўлавермайди. Бунинг учун ернинг тилини билиш керак. Шу боис ерни ўзининг ҳақиқий эгасига бериш зарур. Бу масалада қонун ва адолат тарозисига қатъий риоя қилиш даркор. Шундангина фермерлик ҳаракати биз кутган самарани беради.

Бугун деҳқон ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини яқини билди. Чунки меҳнатининг самарасидан ўзи тўла

бахраманд бўлмоқда.

Яққабоб туманидаги Жуман Мухлиев номидаги ширкат ҳўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Қўйли Ҳасанов даласидаги деҳқонлар билан учрашув чоғида пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди. «Эрта эксанс — эрта ўрасан», деган нақл бор халқимизда. Бунинг амалий ифодасини Қўйли Ҳасанов даласидаги пахта мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу далага чигит март ойининг бошларида экилган эди. Бугун ҳар туп гўзада ўттиздан зиёд чаноқ бор. Етиштирилган юқори ҳосил гўзага вақтида сифатли агротехник ишлов беришнинг натижасидир. Шунинг учун пудратчи оиласи бу йил шартномада белгиланган 35 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқда.

Президентимиз ана шу пудратчи оила мисолида пахтанинг сифатли навларини танлаш, эрта экиш ва вақтида озиклантириш юқори ҳосил олишнинг асосий гарови эканини алоҳида таъкидлади.

Ислам Каримов наинки жанубий вилоятларнинг, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга йирик лойиҳалардан бири — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилиши билан ҳам танишди.

Умумий лойиҳа қиймати 450 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур темир йўли Қашқадарё вилоятига Фузур ва Деҳқонобод туманлари орқали Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Қумқўрғон туманлари билан боғлайди. Стратегик аҳамиятга молик бундай йирик ишбош нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи марта бунёд этилмоқда.

Умумий узунлиги 223 километрни ташкил этадиган мазкур ишбош тўла ишга туш-

ган, йилига 60-65 миллион АҚШ доллари миқдорда иқтисодий самара беради. Поездлар ҳаракатини 184 километргача қисқартиради. Минглаб янги иш ўринлари очилади, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омили бўлади.

Истиклолимизнинг ўн уч йиллиги арафасида ушбу темирйўлнинг 56,8 километрдан иборат «Тошгузар — Деҳқонобод» қисми ишга туширилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Тошгузар» бекатида бўлиб, йўловчиларга яратилган шарт-шароит билан қизиқди.

Бу ерда бажарилиши лозим ишлар ҳали анча эканлиги маълум бўлди. Хусусан, йўловчилар учун зарур қўшимча бинолар қуриш даркорлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов поездда Деҳқонобод сари йўл олди.

Мамлакатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер ҳўжалиги пахтазорларида бўлди. Ушбу ҳўжалик галла ва пахта топшириш бўйича шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарган. Хусусан, пахта ҳосилдорлиги режадаги 30,7 ўрнига 41 центнерни ташкил этди.

Ислам Каримов бўжалик раҳбари Исaxon Баҳромов ва теримчилар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг меҳнатингиз туфайли юртимиз обод бўляпти, — деди давлатимиз раҳбари. — Эл-юртни Ватан манфаати бирлаштиради. Сурхон воҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилаётганига, вилоят янги қиёфа касб этиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Ватанимизнинг раванок топаётганини, юртдошларимизнинг меҳнатини кўрган кишининг ҳаваси келади. Бундай ютуқлар кишини қувонтиради, янги меҳнат зафарларига чорлайди.

Юртимизда деҳқон меҳнати муносиб тақдирланиб келмоқда. Президентимиз томонидан ушбу ҳўжалик жамоасига «Дамас» автомобили ҳадя қилиниши ҳам ана шундай ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида сафари ниҳоятда муваффақ бўлди.

Норали ОЧИЛОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Ҳодир МУҲАММАДИЕВ,
Ҷори ТЎХТАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

«Қаёт билан ҳамнафас»

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 32 номдаги газета, бешта телевидение, иккита радио муҳаррирати фаолият юритмоқда. Воҳода олиб бориладиган иқтисодий ислохотлар, туб ўзгаришлар мазкур оммавий ахборот воситаларида ўз аксини топмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимининг қарори билан журналистлар ўртасида «Қаёт билан ҳамнафас» кўрик-танловни эълон қилди. Тўққиз йўналишда бўлиб ўтадиган танлов голмилари келаси йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қўли арафасида аниқланади. Хуллас, энг яқин мақола, кўрсатув ҳамда радио эшитириш тайёрлаган журналистларни қатор мукофотлар кутмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар аниқлашган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANMOK!

Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар аниқлашган

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар аниқлашган

ALOQABANK — аниқ, тез, ишончли!

Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz

Хизматлар аниқлашган



ЖАННАТМАКОН ОШИЁН

Бағри кенг, жаннатмакон ўлкасан, Ўзбекистоним, Ҳар бандан-ки, кучоғинги дейди: жону жаҳоним!

Қўлларида тутиб гўё дориламон дастурхон, Олтин кузинг саховатин этур яққол намоён...

Суратда: Андисжон қизлари куз неъматин тортиқ қилмоқда. Рустам ШАҒАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Мулоҳаза

Куни кеча тахририятимизга шоир Эшқобил Шукурдан бир мактуб ва шеър келди. Мактуб аслида тахририят учун ёзилган бўлса-да, уни шеър билан бирга эълон қилишни лозим топдик.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

...Агар озгина имкон топсам мамлакатимиз пойтахтидаги Шаҳидлар хотирасига атаб ташкил қилинган хиёбонда сайр қилгим келади. Узини билган ҳар бир одам учун бу ерлар нақадар азиз ва муқаддасдир.

гандан бери бу ерлардан дуои фотиҳасиз ўтолмаганимиз. Бу жойларнинг ҳурмати улғун... Отаҳон менга шу гапларни айтди. Кейин мен «Қатагон қурбонлари хотираси» музейидан чиқиб, телага, ёдгорлик сари ўрладим.

ШАҲИДЛАР ХИЁБОНИДА ЎЙЛАГАНЛАРИМ

Бу қандай гап, қандай нодонлик?... Катта шаҳар, буюк хиёбон... Унинг ҳар бир қадами қонлик, Унинг ҳар бир лаҳзаси ниймон. Мен бу ердан ўтаётганда Кўзда ёшим билан ўтаман.

Авлод не, аждод не билмаган. Ишон, болам, йилгагим келар, Қодирийлар отилган бунда... Бу қайғуни қаердан билар ўтиришда ўтирган кунда.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳар бир юрда, шаҳарда одамлар ихлос қўйиб сиғинадиган, пойга пок қалб, пок йимон, пок ният, таъбир жоиз бўлса, таҳорат билан қадам ранжида қиладиган муқаддас жойлар бўлади. Бири-биридан азиз ва муқаддас бундай зиёратгоҳларни мамлакатимизнинг ҳар бир қишлоғу шаҳрида кўплаб борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

ойлашган Шаҳидлар хотираси мажмуи ҳам Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган ана шундай муқаддас, муқаррам азиз жойлардан бири. Миллат, Ватан озодлиги, ҳимояси учун берилган қурбонлар хотираси билан боғлиқ жой!

Интер-спорт «ОЛИМПИАДА — 2020» АФРИКАДА ...



Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон допингга қарши агентлик раҳбари Ричард Паунд 2020 йили Олимпия ўйинларини ўтказиш тизимига ўзгаришлар киритилиши мумкинлигини баён қилди.

КЛИЧКО ЮТДИ, АММО...

Украиналик таниқли боксчи Владимир Кличко навбатдаги жангни америкалик Дэваррул Вильямсон билан ўтказиб, техник ҳисобда галаба қозонди. Жанг эса томонларнинг ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳимояга куч берганлари ҳолда давом этди.



ТАЙСОН ҚАРЗИНИ УЗАРМИКАН?



Нью-Йоркда банкротлик ишлари бўйича суд Алан Гроппер собиқ жаҳон мутлақ чемпиони Майк Тайсоннинг кредиторларга қарзини тўлаш бўйича ҳукмини эълон қилди. Машҳур боксчи спортдаги ҳаёти мобайнида икки юз миллион долларлик маблағ топган бўлиб, ҳозир 44 миллионлик қарзга ботган.

Вниманию организаций и предприятий! Акционерная компания «Узкурулишматериаллари» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

На поставку карьерного оборудования, материалы и запасные части для предприятий АК «Узстройматериалы»

Table with 2 columns: Lot description and Order details. Includes items like 'Карьерное оборудование БелАЗ 7540 В 3+1' and 'Тристорное пусковое устройство ТРН-6/117-4'.

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями.

Платежные реквизиты: АК «Узкурулишматериаллари» Адрес: г.Ташкент, Миракилова б-р. Расчетный счет: 20210000200127064001 SWIFT BIC: UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK TASHKENT, UZBEKISTAN

УзХДП Марказий Кенгаши Котибияти партиянинг Фарғона вилояти кенгаши иккинчи котиби Зиёдаҳон Абдуллаевага отаси МАМАТХОН отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV.

Advertisement for MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55.

Advertisement for VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70, Buxoroda — 222-10-92, Gulistonda — 25-03-80, Jizzaxda — 5-49-85, Navoiyda — 3-39-20, Namanganda — 6-43-43, Nukusda — 222-70-15, Samarqandda — 35-20-54, Urganchda — 226-51-35, Farg'onada — 26-43-62, Termizda — 3-79-98.

Advertisement for MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbachi: Iltom KAROMOV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Advertisement for SEMIZLIKNI Q'YI K'UTARAR. «Семизлиқни қўй кўтарар, ориқлиқни — бўлбу!» «Семизлиқни қўй кўтарар, оғирлиқни ер кўтарар»; «Сувсоқлиқни туя кўтарар, семизлиқни — қўй» (Туя очлиқка, чанқоқлиқка, исикқа ва х.к. энг кўп бардош берадиган хайвонлардан бири).

Advertisement for AKCIYADORLIK TIJORAT «ПАХТА БАНК» ФАОЛИЯТИГА ОИД МУҲИМ ФАКТЛАР Тўғрисида. 10-ТАРТИБ РАҚАМЛИ МАЪЛУМОТ. 1. Ўзгартришлар амалга оширилган сана: 2004 йил 5 октябрь.

Advertisement for MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbachi: Iltom KAROMOV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Javlon RASULEV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamizli: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 1160. 7337 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari. O'ZA yakuni — Topshirish vaqti — 2 3 4 5 6. SOTUVDA ERKIN NARXDA.